



БОЖХОНА ТИЗИМИНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҚИЛИШ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни божхона тизimini янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўғин. Бу тизим тўғри ва очик-ошкора ишламаса, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади.

Шу боис, 2019 йилда божхона маъмуриятчилиги ислоҳ қилиниб, тартиб-таомиллар енгиллаштирилган эди. Жумладан, божхона постларида соддалаштирилган йўлаklar жорий этилди. Бугун йўловчиларнинг 95 фоиз ва юklarнинг 75 фоизи шулар орқали ўтмоқда. Илгари 12 та идорадан олинган 60 турдаги рухсатномалар “ягона дарча” орқали электрон шаклга ўтказилди. Буларнинг натижасида божхонада юklarни расмийлаштириш вақти 10 баробаргача қискарди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга, хорижий туристлар сонини 7 миллионга етказиш мақсади белгиланган. Бу божхона соҳасига алоҳида масъулият юклайди.

Шу боис, йиғилишда божхона тизimini ривожлантириш, биринчи навбатда постлардаги шароитларни яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

— Божхона постлари давлатимиз юзи, биринчи таассурот шу ердан бошланади. Улар обод, аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлай бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Чегара-божхона постларида инфратузилмани яхшилаш, атрофини ободонлаштириш, айрим постлар биносини реконструкция қилиш, постларга олиб боровчи йўлларни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари божхона тизimini коррупциядан холи қилиш энг устувор вазифа эканини, бу соҳа бошқа давлат идораларига

намуна бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун замонавий комплаенс-назорат тизими жорий этилади. Жорий йил 1 майдан бошлаб юк декларациясини расмийлаштириш постлардан чиқарилади ва тадбиркор билан бевосита мулоқотсиз, масофавий амалга оширилади. 1 июлдан товарлар коди ва қийматини белгилаш, божхона кўригини ўтказиш, имтиёзли декларация расмийлаштиришда коррупцион хавфлар автоматлашган тизим орқали аниқланади. 1 сентябрдан бошлаб барча электрон божхона хизматлари “ягона дарча” тизими орқали кўрсатилади. Иил якунига қадар божхона кўриги жараёндарини тўлиқ қамраб олган электрон тизим ишга туширилади.

Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига божхона хизматларини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, ходимларни очик танлов асосида ишга олиш, ротация қилиш, даромади ва молмулкни декларациялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Коррупциянинг олдини олиш учун ходимларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор зарур. Шу боис, энди божхона ходимларининг фаолияти самарасига қараб, иш ҳақига қўшимча устама тўланади. Олис ва шароити оғир постларда ишлаётганлар ҳам моддий қўллаб-қувватланади.

Божхона ходими контрабанда ёки бошқа қонунбузарликни аниқласа, унга мукофот берилади. Махсус унвон учун устамалар миқдори оширилади.

Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор

қаратилади. Жумладан, олис постларда ишлайдиган ходимлар учун хизмат уйлари барпо этилади ҳамда имтиёзли ипотека кредити берилади. Божхона ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун олиёй ўқув юртларига киришда алоҳида квота ажратилади.

Президентимиз соҳага аёл ходимларни жалб қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда контрабандага қарши курашиш натижалари ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 364 килограмм ғиёҳвандлик воситалари, 88 минг донa психотроп дорилар ҳамда 181 миллиард сўмлик товарлар ноқонуний кириб келишининг олди олинди.

Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш учун божхона постларини 3D-сканер, рентген, видеокузатув, сервер, транспорт тарозиси каби замонавий усуналар билан жиҳозлаш вазифаси қўйилди.

Бу йил Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Термиз халқаро аэропортларида, келгуси йилдан бошқа аэропортларда ҳам “божхона-чисиз назорат” тартибини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Божхона тизимида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун Божхона институтини тубдан трансформация қилиб, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, метрология ва стандартлар, назорат усуналарини бошқаришни пухта ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш, илгор хорижий амалиётларни ўрганиб, таъбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. **2022 йил 1 апрелдан** бошлаб меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган **ногиронлик нафақаси** ҳамда иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги **ногиронлик пенсиясининг** энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — **440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилсин**.

2. Белгилансинки, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб:**

а) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг (кейинги ўринларда — ўзгалар парваришига муҳтож болалар) парвариши билан банд бўлган **боланинг**

қонуний вакилига ҳар ойда 500 000 сўм миқдориди нафақа тўлови (кейинги ўринларда — парваришлаш нафақаси) жорий этилади.

Бунда парваришлаш нафақасини тўлаш ва етказиб бериш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) парваришлаш нафақаси фуқароларнинг **Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган мурожаатлари асосида** бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlари томонидан тайинланади ва тўланади.

3. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.К.Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусеев) билан биргаликда қуйидаги маълумотларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига **электрон шаклда тақдим этиб** боришни таъминласин:

2022 йил 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болалар тўғрисидаги маълумотларни;

2022 йил 1 октябрдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотларни.

4. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.К.Инаков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусеев) билан биргаликда **2022 йилнинг октябрь** ойдидан бошлаб 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақаларни ҳамда парваришлаш нафақасини **фуқаролардан қўшимча хужжатларни талаб этмаган** ҳолда “проактив шакл”да тайинлаш тизimini жорий этсин.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2022 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгилиниш ва юксалишларни асрлар давомида тўла намоён қилиб келаётган Наврўзи олам энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири ҳисобланади.

Ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжихатлик сингари юксак гоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли

демократик ислохотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз қатори Наврўз умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида Наврўз том маънода умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан қатта шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Халқимиз асрлар давомида эъзолаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг ана шундай бекиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан

ўзгариш ва янгилинишлар жараёнига уйғун ва ҳамоханг тарзда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Ассалом, Наврўз — янги-ланиш, меҳр-оқибат ва кадр-қиммат айёми!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонлансин.

2. Қуйидагилар:
2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



ОРОЛЬЎЙИ: ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХУДУДИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**2026 ЙИЛГА БОРИБ ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ
ҚУРИГАН ТУБИДА ҚЎШИМЧА
500 МИНГ ГЕКТАР ЯШИЛ МАЙДОН БАРПО
ЭТИЛАДИ, УНИНГ УМУМИЙ ҚЎЛАМИ
2,5 МИЛЛИОН ГЕКТАРГА ЕТКАЗИЛАДИ**

Дунёнинг ишлари қизик. Унинг бир томони тошқинлардан азият чекаётган бир пайтда бошқа тарафида денгизу қўллар қуриб, чўлланиш жараёни тезлашиб борапти. Миллионлаб одам обихаётга зор бўлиб, қургўқчилик азобини тортмоқда. Офатларнинг олдини олиш мақсадида дунёда муқобили бўлмаган лойиҳаларни қўллашга, бунинг учун миллионлаб долларлик маблағ сарфлашга тўғри келяпти.

▶ Давоми 4-бетда

ТАЖРИБА

ХОНАДОНИДА ХАЗИНА ЯРАТАЁТГАНЛАР

**АБДУСАМИН ҲУСАИНОВ 6 СОТИХ ЕРДА
60 ТА НОВВОС БОҚМОҚДА**

Шу йил 16 февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимизда бу соҳада яхши тажрибалар тўпланганини алоҳида таъкидлади. Қашқадарё вилояти Миришкор туманида “Тошматов Нормўмин” фермер хўжалиги Вори кишлоғидаги хонадонларга қорамол, қўй-эчки тарқатиб, улар етиштирган

сут ва гўштни сотиб олаётганини бунга мисол қилиб кўрсатди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманидаги “Тахياتош Чикенс” корхонаси хонадонларга хонаки парранда бериб, улардан инкубацион тухум сотиб олишни йўлга қўйганини оммалаштириш зарурлигини қайд этди.

▶ Давоми 2-бетда



ИСЛОҲОТ



ХАВФСИЗ ЙЎЛ — ОСОЙИШТА КУН ВА ЯНГИ ҒОЯЛАР МУҚАДДИМАСИ

Президентимиз раислигида 11 февраль куни йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас мавзу — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари бу соҳадаги тизимли муаммоларни танқид қилиб, уларнинг ечими бўйича устувор йўналиш ва долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Соҳадаги муаммо ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, белгиланган

вазифаларни амалга ошириш борасида қандай чора-тадбирлар қўрилаётгани юзасидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Пулат БОБОЖОНОВГА саволлар билан мурожаат қилдик.

▶ Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА
МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлашнинг қўшимча
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

5. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов):
ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қўшимча даромадлари ҳамда жамғармага республика бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган трансфертлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;
келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни параметрларида мазкур Фармоннинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тutsин;
манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2022 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК Кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Ташкилий қўмита (А.Н. Арипов) “Йул харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Наврўз умумхалқ байрамнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамни юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунарида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини акс эттирадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон кадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;
сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва аънаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш;
байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар

дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

мамлакатимизда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикаимизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб расталари, кўча савдо дўконларини ташкил қилиш, кўчалар таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аънаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент

шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, бастакорлар, балетмейстерлар, сахна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:**

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамога безатиш ҳамда сахналарни урнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларида маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати усталари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари,

томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда маҳалла мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар карантин қоидалари ва жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ишларини ва байрам тадбирларини атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 февраль

ТАЖРИБА

ХОНАДОНИДА ХАЗИНА
ЯРАТАЁТГАНЛАР

Абдусамин Ҳусайнов 6 сотих ерда 60 та новвос боқмоқда

Бошланиши 1-бетда

Тажрибасини оммалаштириш лозимлигини айтиб ўтган чорвадорлар орасида Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги “Тумор” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Абдусамин Ҳусайнов ҳам бор.

Истеъмом бозоридида чорва гўшти, сутти ва бошқа маҳсулотларига бўлган талаб ҳамиша юқори. Бу маҳсулотлар тўйимлилиги, инсон саломатлиги учун муҳим элементларга бойлиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ва сифатини яхшилаш йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар тўғрисида жойларда чорвачилик йўналишларида янги ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда, тажрибалар оммалашаяпти.

Балиқчи туманидаги “Тумор” маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли гавжум масканлардан. Бу ерда чорва боқиш учун кенг майдонлар йўқ. Лекин соҳада ўзига хос тажриба тўплаган чорвадорлар кўп. Маҳалладаги ҳар бир хонадонда мол боқилади.

Абдусамин Ҳусайнов бу борада кўпга ибрат бўлиб келмоқда. Асосан, ҳайдовчилик, дурадгорлик орқасидан рўзгор тебратиб келган Абдусамин ака бугун бўрдоқи новвос боқиш билан шуғулланыпти. Бир-икки бош новвос боқичдан бошланган иш бугун оилавий бизнесга айланган. Айни кунда хонадондаги 6 сотихли жойда 60 бош новвос парваришланмоқда. Бу ерда чорва моллари боқиш учун барча шароит яратилган. Ҳар бир новвос алоҳида бойловга қўйилади. Ўт, сув, ем бериш учун алоҳида йўлаклар бор.

Бир неча йилдири, бу иш этагидан тутган чорвадор ҳалол меҳнати ортидан энди ҳурмат-эътибор топди. Бугунги кунда унинг 400 нафардан ортиқ шоғирди бор. Чорва сотиб олиш, сотиш, парваришлаш борасида улар билан доимо бамаслаҳат иш юритади.

— Чорвачилик оилавий даромадимизнинг асосини ташкил этади, — дейди Абдусамин ака. — Мавсумда 50-60



бошга етказиб чорва боқамиз. Чорвага қизиқиши бўлмаган одам бу иш билан шуғулланиши қийин. Ёшлигимдан қорамол боқишга қизиқаман. Худудимизда яйлов майдонлари йўқ. Аммо кичик жойда ҳам бу тармоқни ривожлантириш мумкин. Фақат шунга мос шароит яратиш зарур. Ҳовлимизда молхона ташкил қилиб, новвослар сонини олтимиз бошга етказдик. Бунинг сабаби новвос тез семиради, шунга яраша даромад беради. Албатта, бу сабр-бардошни ҳам талаб этадиган юмуш. Ҳар бир чорвага белгиланган мезёрлар асосида 8-10 килограммгача озуқа берамиз. Ортиқча озуқа моллар семирishiга салбий таъсир кўрсатади, касалланишига сабаб бўлади. Оиламизнинг 8 нафар аъзоси чорвачилик сирларини яхши бозорда. Маҳсулотларини асосан ички фўрдада сотамиз. Йилга 300 миллион сўмга яқин даромад оламиз. Меҳнат қилиб кам бўлаётганимиз йўқ. Ўғил-қизларни ўқитиш, шинам уй-жой, машина, тўкин дастурхон ана шу меҳнатларимиз самараси.

Молхонада деярли бир хил ёшдаги новвослар емлаб боқилмоқда. Абдусамин ака ёш новвосларни етиштириш бўйича ўзига хос тажрибага эга. Чорва майдонининг бир қисмига керакли силос жамланган. Бунда асосан кузги макка пояси ва дон аралашмасидан тайёрланган сенажларнинг ўрни катта. Макка пояси ва таркибидида дон

чорва учун тўйимли озуқа вазифасини ўтайди, озикланиш жараёнида юзага келган ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олади. Икки ёшли новвос опти ойда етилади. Ҳар бир новвосдан бир ойда 600-700 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

— Маҳалламизнинг ўсиш нуқталаридан бири чорвачилик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азимжон Шамсутдинов. — 491 та хўжаликнинг деярли ҳар бирида чорва бор. Ўзим ҳам уйда 3-4 бош новвос боқаман. Бизда мол гўшти бошқа ҳудудларга нисбатан 5-10 минг сўм арзон. Бугунги кунда бу йўналишда самарали иш олиб бораётган 20 дан ортиқ тадбиркорларимиз иш тажрибаси билан оммалашиб бормоқда. Айниқса, Абдусамин Ҳусайнов барчамизга ўрнак бўлаяпти. Бунда ташқари, маҳалламизда торморқадан унумли фойдаланиб, 3-4 марта ҳосил олишга эътибор қаратганмиз. Ғалладан бўшаган майдонларга асосан маккажўхори экилади. Бу чорвачилик учун арзон ва сифатли озуқа базасини жамғариш имконини беради. Чорвачилик хўжаликларига ветеринария хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Ветеринарлар чорва молларини назорат қилиш билан бирга, соҳанинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида аҳолига тавсиялар беради, амалий ёрдам кўрсатади.

Маҳалладаги бошқа хонадонларда ҳам бу тажрибалар оммалашган. Шухратбек ва Ўткирбек Ғаниев, Акрамжон Турғунов, Даврон ва Нодирбек Даминов, Хусан Қамбаров хонадонларида ҳам 30-40 бошга яқин новвослар боқувга қўйилган.

— Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида чорвачиликни ривожлантириш, наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш борасида берилган имтиёз ва имкониятлар соҳа ривожидида муҳим омил бўлмоқда, — дейди “Тумор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Ҳайрулло Холиқов. — Маҳалламиздаги етакчи тармоқ чорвачилик ва деҳқончилик бўлгани боис, бу борадаги амалий иш тажрибаларни оммалаштириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу мақсадда уй шароитида бўрдоқчилик йўналишида чорвачилик фаолияти ривожлантириляпти. Ўрганишлар ва тахлилларга кўра, 200 дан ортиқ оилага чорвачилик йўналишида кредит ажратиш юзасидан таклифлар бердик. Бундан ташқари, 15 нафар кам таъминланган оилага 100 бошдан товуқ тарқатилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” рўйхатида турган 68 нафар фуқарога 10 сотихдан ер ажратдик. Экин майдонларига дастлаб қартошқа, макка, мош, сабзи сингари экинлар жойлаштирилиб, оила фаровонлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 15 километр ички йўлларимиз бетонлаштирилди. Буларнинг барчаси халқ фаровонлиги, ҳамжиҳатлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

Излаган имкон топар, дейди халқимиз. Чин дилдан бир ишинг бошини тутган киши ҳар қандай юмушнинг улдасидан чиқади. Бу ҳаётий ҳақиқатга амал қилиб яшаётган туморликларнинг, хусусан Абдусамин Ҳусайновнинг чорвачилик соҳасида тўплаган иш тажрибаси кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

МУНОСАБАТ

Сойибжон НИЁЗОВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизси



МИЛЛИЙ МУСИҚА
ПОЙДЕВОРИ

Ҳар доим маданият ва санъат ҳақида сўз юритилганида, Президентимизнинг “Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз маком санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Ана шундай улкан маънавий бойликнинг шаклланиши ва тараққиётида, бу умрбоқий санъатнинг бизгача етиб келишида бекиёс хизмат кўрсатган улғу шоир ва мутафаккирлар, бастакор ва созандалар, буюк ҳофизларнинг хотирасини ҳурмат-эътибор билан ёд этамиз”, деган сўзлари қулоқларим остида жаранглаб тураверади.

Бу барча санъат ихлосмандлари, соҳа вакиллари ва ёш иқтидор эгаларига маком санъати негизда нечоғлиқ улкан маъно ва мазмун мужассам эканини яна бир бор айтиб, тасдиқлаб туради.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 февраль куни имзолаган “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса маданият ва санъат соҳаси ривожидида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳужжат маком санъатининг ҳам янада ривожланиши, тараққий этиши ва юксалиб боришида муҳим омил бўлади. Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган маком қадимий тарихи, теран фалсафаси, бетакдор бадиий услуб ва бой ижодий аънаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Узоқ йиллардан бери санъат майдонида ижод қилиб келаётган бўлсам-да, фақат сўнгги йиллардагина Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва ғамхўрлиги билан маданият ва санъат соҳасига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўляпман.

Марказий Осиёда муסיқанинг ушбу мумтоз тури давом этиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшди, десак муболага бўлмайди.



Президентимиз қарори биз, санъат аҳли юрагига ёқимли бир навадаи сингиб, кўнглимизга хушнудлик, соҳамизга янада муҳаббат билан ёндашиб хизмат қилишни ва келажақ авлод қалбига қуй ва қўшиқ сеҳри билан энг гўзал хислатларни синдириб боришимизда муҳим ва нурли бир доводдир.

Зеро, миллий муסיқанинг мустаҳкам пойдевори бўлмиш маком халқимиз ҳаётининг акс-садоқидир. Бу қуй ер юзидаги барча инсонлар қалбини тебратган олган, мураккаб руҳий кечиммалар, теран фалсафий фикрлар билан жилоланган мўъжиза бўлиб, бизнинг даврга келиб, элнинг дарду ҳасрати, жасрати, бахти, шодиёниги, сеғми-муҳаббатини тараннум этиб, энг мукаммал шаклу шамойилда намоён бўлаётир.



ОСОЙИШТА КУН ВА ЯНГИ ҒОЯЛАР МУҚАДДИМАСИ

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш учун ҳодимларнинг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга, янгича тизим асосида, ҳузув кассига виждонан ёндашиб хизмат ки-лишларини таъминлашга алоҳида эъти-бор қаратилади.

Олдимизки қўйилган барча вазифа-ларни сўзсиз бажариш учун Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимларининг имконияти ҳам, салоҳияти ҳам етарли.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОРОЛБЎЙИ: ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХУДУДИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

2026 ЙИЛГА БОРИБ ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ТУБИДА ҚЎШИМЧА 500 МИНГ ГЕКТАР ЯШИЛ МАЙДОН БАРПО ЭТИЛАДИ, УНИНГ УМУМИЙ КЎЛАМИ 2,5 МИЛЛИОН ГЕКТАРГА ЕТКАЗИЛАДИ.

Куруқликнинг 33,6 фоизида қурғоқчилик

Бошланиш 1-бетда

Буюк британиялик нуфузли халқаро эксперт Николас Стернинг ҳисоботида келтирилишича, агар қўл қовуштириб ўтираверилса, кўмир, нефть каби ёқилгилар туфайли юзага келаётган иқлим ўзгаришлари жаҳон иқтисодий тараққиётининг беш қарра секинлашишига олиб келади.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш эса биз ҳозир ҳаракат қилмасак, бу аср инсоният учун сўнги юз йиллик бўлиши мумкинлигини айтмоқда.

Бундай ташвишли фикрларнинг ҳаққонийлигини БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти вакиллари ҳам тасдиқламоқда. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ер юзиде қурғоқчилик юқори бўлган хуудларнинг умумий майдони 48 810 минг квадрат километри ёки куруқликнинг 33,6 фоизини ташкил этади. Ернинг таназзулга учраши оқибатида



қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини йўқотиш йилига тахминан 42 миллиард АҚШ долларига тенг бўлмоқда. Боз устига, ҳар йили 20 миллион гектар ер экин етиштиришдан чиқиб кетаяпти.

Чўлланиш дунё аҳолисининг бешдан бир қисмига таҳдид соляпти. 2030 йилга келиб глобал иқлим ўзгариши жаҳон иқтисодиётига йилига 2 триллион доллар зарар келтира бошлаши тахмин қилинаяпти.

Марказий Осиёда аҳвол қандай?

Марказий Осиё дунёда иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўрадиган минтақалар сирасига киради. Одамлар аллақачон музликларнинг эриши, ҳароратнинг ошиши, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги каби ҳолатларнинг салбий таъсирини ўз ҳаётида сезиб келмоқда. Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчукнинг фикрича, бунинг оқибатида келтирадиган зарар минтақавий ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизигача бўлиши мумкин.



Шу боис, Марказий Осиё мамлакатлари иқлим ўзгаришининг салбий таъсири олдини олиш учун қатъий чораларни қўришлари зарур бўлади. Тадқиқотларга кўра, ер ишдан чиқишига қарши курашга сарфланган ҳар 1 доллар 5 долларга яқин самара беради. Агар минтақанинг 30 йил мобайнида ернинг ишдан чиқишига қарши кураш харажатлари тахминан 53 миллиард АҚШ долларини ташкил этса-ю, шу даврда ҳеч бир иш қилинмаса ҳам йўқотишлар миқдори 288 миллиард долларгача етиши эҳтимоли юқори.

Дунёда муқобили бўлмаган ишлар

Юртимизда кейинги йилларда чўлу биёбонлар ва Орол денгизининг қуриган тубида яратилаётган “яшил қопламалар” дунёда муқобили бўлмаган инновацион чоралар сирасига киради. Мўҳими, унинг кўлами кенгайиб борапти. Маълумотларга қараганда, қабул қилинган қарорлар доирасида 2018-2020 йилларда Орол денгизининг суви қуриган хуудлариде 1,2 миллион гектар майдонда ўрмон-мелиоратив тадбирлари амалга оширилган. “Яшил қопламалар” барпо этишда кўплаб турдаги техника, хусусан, кичик авиациядан фойдаланилиб, инновацион усуллар қўлланилиб келинаяпти.

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ижроси доирасида 2021 йилда Қорақалпоғистон ва вилоятлар хуудлариде жами 530 минг гектар, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган хуудиде 375 минг гектарда ўрмонзор барпо этилиши режалаштирилган эди, — дейди Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ҳожимурод Толипов. — Амалда республика бўйича жами 631 минг гектар, Орол денгизининг қуриган хуудиде 458 минг гектар майдонда, мазкур



минтақага кирувчи Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида 148 минг гектарда саксовул ҳамда бошқа чўл ўсимликларининг уруғ ва кўчатлари экилиб, ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Табийки, ҳосил қилинаётган “яшил қоплама”ларнинг катта қисмини саксовулзорлар ташкил этапти. Мутахассисларнинг фикрича, саксовул етти қатор қилиб экилса, у 5-7 йилда 90 фоиз кўмни ушлаб қола оладиган даражада катта бўлади ва ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Орол тубидаги каби

саксовулзорлаштиришнинг дунёда муқобили йўқ. Албатта, Австралия, Қозғистонда ҳам муайян майдонларда экилган, лекин Ўзбекистонда бажарилган ишларнинг ниҳоятда кенг қамровлиги билан уларни умуман таққослаб бўлмайди.

Яна бир жиҳати, Оролнинг қуриган майдонидеги саксовуллар орасига ёввойи ҳайвонлар ва қорва учун озуқабоп экинлар ҳам экилмоқда. Ушбу хуудда ўнлаб артезиан қудуқлари қазилаяпти. Бу келажақда қорвачиликни ривожлантириш учун замин яратади.

Инновацион лойиҳалар ва амалий ишлар самараси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан Мўйноқ ва Саманбой тажриба-синов майдонларида тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган чўл ўсимликларини ажратиб олиш бўйича илмий тадқиқотлар давом эттириляпти. Бу лойиҳалар бўйича 40 дан ортиқ хорижий ва маҳаллий ташкилот, илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган.

Марказ томонидан “Оролдаги менинг боғим” (My garden in the Aral Sea) ағро-экотуризм лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унинг асосий мақсади чет эллик сайёҳлар ва маҳаллий аҳолини Оролбўйини кўкаламзорлаштириш ишларига ўз улушини қўшишга ва шу йўл билан кишиларнинг турмуш даражасини кўтаришга даъват этишдир. Ушбу тадбирлар натижасида Ўзбекистонда илк бор аҳоли томонидан кўкаламзорлаштириш лойиҳаси ва краудфандинг (аҳоли томонидан молиялаштириш) платформаси яратилди. Лойиҳа учун Мўйноқ тажриба-ишлаб чиқариш участкасида 1,8 гектар майдон ажратилиб, 15 турдаги жами 2972 та даррахт кўчати экилди. Бундан ташқари, Орол денгизининг қуриган тубидаги 42 гектар майдонда 42 минг туп саксовул, қандим ва терексен кўчати ўтказилди. Ўтган йили Мўйноқ тумани ҳокимлиги томонидан лойиҳани кенгайтириш учун 30,4 гектар ер майдони ажратилди. Айни пайтда ушбу майдонларда декоратив боғ яратиш бўйича ишлар олиб борилямоқда.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазир-и Азиз Абдуҳакимовнинг қайд этишича, БМТнинг махсус резолюциясини амалга ошириш юзасидан мамлакатимиз томонидан тизимли чора-тадбирлар кўрилямоқда. Президентимизнинг бу борадаги қарори асосида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар хуудига айлантиришнинг етти йўналиши белгилаб олинган. Улар асосида мазкур соҳаларга тегишли, қиймати 312 миллиард сўм, 22,2 миллион доллар ва 6 миллион еврога тенг 71 та тадбир, шунингдек 1,9 триллион сўмлик 65 та устувор инновацион лойиҳа амалга ошириляпти.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Оролбўйи халқаро инновация маркази БМТ Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ, Ислом тараққиёт банки, ISBA халқаро маркази билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Тунис, Швейцария ва канадалик олимлар билан биргаликда Оролбўйининг шўрланган ва қурғоқчил ерларини тадқиқ қилиш ва “яшил қопла-



малар” яратиш юзасидан илмий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Ўтган йил 22 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган “Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар хуудига айлантирамиз” мавзусидаги халқаро конференцияда Оролбўйи хуудларида халқаро молия институтларининг қиймати 1 миллиард 326,7 миллион АҚШ долларига тенг 20 та лойиҳасини амалга ошириш ишлари олиб бориляётгани таъкидланганди.

— 2020-2021 йилларда Ўрмон ҳўжалиги илмий-тадқиқот институтида Испаниянинг “Western Export Solutions” компанияси ва Словакиянинг “Resysle S.R.O.” ташкилоти билан ҳамкорликда ўрмон кўчатхоналарида чўл ўсимликлари ниҳолларининг кўкарувчанлигини ошириш ҳамда стандарт кўчатларни етиштириш мақсадида денгиз тубида илк маротаба агрофлорин, бульнова, биопрон, рокогумин каби аминокислотали биоўғитларни синовдан ўтказиш бўйича илмий изланишлар қилинди, — дейди Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ҳожимурод Толипов. — Тахтақўпир давлат ўрмон ҳўжалиги кўчатхонасида ракогумин аминокислоталири ёрдамиде стандарт кўчатлар етиштириш даражаси аънанавий усулга нисбатан 1-1,5 баробар (гектарига 315 минг дона)гача оширилди. Икки йил давомида ўтказилган синов тадқиқотлари натижасида 1 миллион 230 минг дона шундай кўчат етиштирилиб, Орол денгизининг қуриган тубида ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишга берилди. Испания компанияси билан қуриган денгиз туби иқлим шароитида янги аттриплекс чўл ўсимлиги ҳам синовдан ўтказилди.

Олимларнинг қайд этишича, Орол денгизи қуриган майдонининг ер ҳолати бир хил эмас: 5 йил аввал қуриган хууд билан 50 йил аввал сув қочган жойининг ҳолатида катта фарқ мавжуд. Ҳамма ерга бир турдаги ўсимликлар экишни тавсия қилиб бўлмайди. Ҳар бир хуудга ўзига хос ёндашув талаб этилади. Ерлар ҳолатини, қум ва шўрланишни эътиборга олиб, фақат тўғри танлаб экилган кўчатларгини тўтиб кетиши мумкин.

— Шу каби жиҳатларга илмий изланишларда алоҳида эътибор қаратиляпти, — дейди Ҳожимурод Толипов. — Институтимиз ходимларининг давлат илмий тадқиқот дастурлари доирасида Орол денгизининг қуриган тубининг турли тупроқ шароитларида чўл яилповзорларини комбинациялашган усулларда барпо этиш, тупроқ-иқлим шароитларига мослашган, мусбат белгиларга эга (серхосил, шох-шаббалари қалин, текис ўсувчи) бўлган чўл ўсимликларининг доимий уруқчилик майдонларини



“ОЛИМЛАРНИНГ ҚАЙД ЭТИШИЧА, ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИГАН МАЙДОННИНГ ЕР ҲОЛАТИ БИР ХИЛ ЭМАС: 5 ЙИЛ АВВАЛ ҚУРИГАН ХУУД БИЛАН 50 ЙИЛ АВВАЛ СУВ ҚОЧГАН ЖОЙНИНГ ҲОЛАТИДА КАТТА ФАРҚ МАВЖУД. ҲАММА ЕРГА БИР ТУРДАГИ ЎСИМЛИКЛАР ЭКИШНИ ТАВСИА ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ҲАР БИР ХУУДУГА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. ЕРЛАР ҲОЛАТИНИ, ҚУМ ВА ШЎРЛАНИШНИ ЭЪТИБОРГА ОЛИБ, ФАҚАТ ТЎҒРИ ТАНЛАБ ЭКИЛГАН КЎЧАТЛАРГИНА ТЎТИБ КЕТИШИ МУМКИН.

ажратиб олиш йўналишларида ўтказган тажрибаларини бунга амалий мисол тариқасида келтириш мумкин. Натижада чўл-яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлиги 30-40 фоиз ошди.

Мазкур хуудда ўрмонлаштириш тадбирларини жадаллаштириш мақсадида чўл ўсимликлари ниҳолларини экувчи янги машина агрегати яратилди. Унинг ёрдамида кўчатларни экиш самарадорлиги 1,5 баробар ошиб, соатига 4000-4500 донага етди.

Шу билан бирга, Нукус, Хива, Урганч ва Бухоро шаҳарлари атрофидеги жами 30 километр масофада “яшил белбоғ” ҳимоя дарахтзорлари ташкил этилди. Бундан ташқари, юртимизнинг сугориладиган далалари четларида 2,5 минг гектар майдонда ихота дарахтзорлар барпо қилинди.

Кейинги йилларда бу каби ишларни бажаришга ўрмон ҳўжаликлари томонидан турли дарахт ва буталарнинг 1,7 минг тоннадан ортиқ уруғи тайёрланди ҳамда 105 миллион дона ниҳол ва кўчат етиштирилди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Орол денгизи қуриган тубида янгидан экиляётган чўл ўсимликларини турли касаллик ҳамда зараркунандалардан ҳимоялаш, шунингдек, нам сакловчи полимер наноиммлар (гидрогел)дан фойдаланган ҳолда ниҳоллар кўкарувчанлигини оширишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар давом эттирилямоқда. Жумладан, Япониянинг “OYO” кооперативси олимлари билан Оролбўйи хуудларида доривор цистанхе ўсимликлари плантацияларини барпо этиш, Жанубий Кореянинг “Nifos” миллий ўрмон ҳўжалиги илмий муассасаси билан ҳамкорликда чўл ўсимликларини контейнер блокларда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган. Бу тадқиқотлар келгусида чўл ерларида яшил ўсимликлар майдонини кенгайтириш, самарадорлигини ошириш, шунингдек, ҳавога зарarli кум-чанг буронлари кўтарилишини камайтиришда асқатади.

2022 йилда Орол денгизининг қуриган тубида 100 минг гектарда, Оролбўйи минтақасига кирувчи Бухоро вилоятида 40 минг, Навоий вилоятида 50 минг ва Хоразм вилоятида 10 минг гектарда ўрмонзорлар барпо этиш режалаштирилган. Булардан ташқари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2022 йил баҳор мавсумида 125 миллион дона манзарали, мевали ва бошқа турдаги кўчат экилиши кўзда тутилмоқда.

Ушбу ишларни жадал амалга ошириш назарда тутилгани келгусида Оролбўйида инсон хавфсизлиги учун экологик мақбул хууд барпо этишга замин яратади. Зеро, Тараққиёт стратегиясида Орол денгизининг тубида қўшимча 500 минг гектар ўрмонзор барпо этиб, унинг умумий майдонини 2,5 миллион гектарга етказиш вазифаси қўйилган.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

ИНСОН КАПИТАЛИ

ЖЎШҚИН МУҲИТ —
ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

**Камола ХЎЖАМОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия
университети докторанти**

Бугунги глобллашув даврида барча мамлакатлар инсон капиталини ривожлантиришга муҳим эътибор қаратмоқда. Бу, аввало, ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиши, бошқарув тизими, халқаро сиёсий жараёнлар электронлашгаётгани, масофавий ислохотлар оммалашаётгани билан изоҳланади.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам инсон капиталини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йўлда Ҳаракатлар стратегияси доирасида бажарилган вазифалар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида янада такомиллигига етказилиши мақсад қилинган.



Жумладан, келгуси беш йилда мактаб таълими сифатини ошириш, дарсликларни янгилаш, мактабларда қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, мактабга таълим қамрови даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиш, камиди 10 та олий-гоҳнинг нуфузли халқаро рейтингларга киришини таъминлаш, 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш, бирламчи тиббий хизматлар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган бу каби устувор мақсад-вазифалар ижроси инсон қадри, инсон омили, инсон капиталли, деган замонавий тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфра-тузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, иқтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”.

Тараққиёт стратегиясининг 100 та мақсади ҳам беvosита инсон қадрини эъозлашга қаратилгани бежиз эмас. Бу устувор мақсадларни тўлиқ амалга ошириш салоҳияти ҳам, эришилган самаралардан баҳра олиш имконияти ҳам тўғридан-тўғри инсон омилига бориб тақалади. Ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш юрдошларимиз ҳаётининг фаровон, обод ва бахтли бўлиши, таъбир жоиз бўлса, давлатимиз ва жамиятимиз янги Ўзбекистонга хос мезонлар асосида тараққий этиши зарурлигини назарда тутати.

Бу ҳақда фикр юритганда, интеллектуал-маънавий омил миллий бойлигининг ҳал қилувчи шарти эканини унутмаслик керак. Айнан шу омил давлат қудратининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади ва жамиятнинг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига қўтарувчи куч нимада? Албатта, инсон капиталлида.

Ҳар бир инсоннинг савияси, қандай билим ва малакага эгалиги, Ватанига, халқига нисбатан чексиз садоқати — буларнинг барчаси асосида инсон капиталли ётади. Шунингдек, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга қиритилган ҳар бир инвестиция кишиларнинг креативлигини, қонунларга бўйсунишини таъминлайди. Шундагина жамиятда жўшқин муҳит юзага келади, конструктив ва рационал дунёқараш шаклланади. Ҳаёт сифатини оширувчи нодавлат институтлар пайдо бўлади ва ривожланади, одамлар соғлом турмуш тарзига ўрганади.

Ҳозирги кунда турмуш сифатини юксалтиришга хизмат қиладиган ушбу воқеликларнинг барчаси халқимиз ҳаётида қузатилаётгани ва ҳамюртларимизда келажакка ишонч туйғусини мустаҳкамлаётгани жуда муҳимдир.

Шиддат билан ривожланаётган ва глобаллашув жараёнлари низоҳатда чуқурлашиб бораётган бугунги дунёда инсонни, унинг онгу шуурини тараққий эттиришга бўлган эътибор кундан-кун кучайиб бормоқда. Чунки қаерда инсон капиталли, унинг раванкига қўп эътибор берилаётган, бунинг учун қўлай шарт-шароит яратилаётган бўлса, ўша мамлакатнинг изчил тараққий этаётганини кўриш мумкин. Жумладан, АҚШ, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Финляндия, Швеция бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу мамлакатлардаги ривожланиш ва фаровонлик

даражаси ҳар бир инсонда ҳавас уйғотмай қолмайди.

“Инсон капиталли” тушунчаси нима дегани? Кенг маънода олганда, инсон капиталли — иқтисодиёт, жамият ва оила ривожланишининг интенсив ишлаб чиқарувчи омили, шу жумладан, ишчи кучининг билим ва малакали интеллектуал қисми, бошқарувчи меҳнат воситалари, атроф-муҳит ва меҳнат фаолияти йиғиндиси.

Тор маънода айтганда, инсон капиталли ақл, соғлиқ, билим, самарали меҳнат ва ҳаёт сифатидир.

Инсон капиталли асосида, албатта, билим ва қўникмалар ётади. Билим энг катта


бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришда банд бўлган малакасиз ишчилардан малакали ишчиларнинг фарқи шундаки, улар ишлаб чиқариш воситаларига эғалик қилади: улар билимларни ўзи билан олиб юрувчи ҳисобланади”, дея фикр билдиради.

Инсон капиталли назарияси рус олимлари А.Добринин, С.Дятлов, С.Курганский асарларида ҳам ўз аксини топган. Улар инсон капиталини иқтимоий тақдор ишлаб чиқаришининг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланиладиган, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишига қўмаклашадиган, шунингдек, инсоннинг иш ҳақи ва даромади ўсишига таъсир кўрсатадиган инвестициялар ҳамда инсон томонидан жамғарилган соғлиқ, билим, қўникма, қобилиятлар, мотивацияларнинг муайян захираси натижасида шаклланган капитал сифатида кўриб чиққан.

Ҳар бир инсон ўз қобилиятидан унумли фойдаланиш орқали маънавий, иқтисодий қомилликка эришиши мумкин. Мамлакат микросида уларнинг улуши кўп бўлса, ўша жамият ҳар томонлама юксакликка эришади. Шу сабабли юртимизда инсон капиталлини ривожлантириш бўйича қўлиниши керак бўлган кўплаб вазифалар турибди.

Нега деганда, йиллар давомида юртимизда инсон капиталли, унинг аҳамияти ва кучи муносиб баҳоланмаган. Бу эса оқибатда жамиятда ўз фикрига эга бўлмаган, йўлини топмаган ва салоҳиятига ишонмаган қатлам шаклланишига олиб келди.

Сўнгги йилларда ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори ушбу йўналишда ҳам шиддатли янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон банкнинг 2020 йил учун эълон қилинган инсон капиталли индексида Ўзбекистон ҳам илк бор қатнашиб,



ҳазина ва уни бошқа ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмайди. Улуғ аллома бобоимиз Имом Бухорий сўзлари билан айтганда, “Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай”.

Айни чоғда жаҳон тараққиётида интеллектуал салоҳият тобора муҳим аҳамият касб этиб, билимли ва малакали мутахассис бўлган талаб изчил ортиб бораётгани кузатилмоқда. Чунки дунёда юксак илмий-технологик кашфиётларни ана шундай салоҳияти балопа кадрлар яратди.

Шунингдек, ҳар қандай кашфиётлардан фақат инсон манфаатлари, унинг бахт-саодати йўлида фойдаланмоқ лозим. Бугунги глобаллашув жараёнида инновация ҳар қандай мамлакатнинг энг муҳим стратегик ресурсларидан биридир.

Шу ўринда, “инсон капиталли” тушунчасининг илмий ўрганилиши тарихига ҳам мўтасар тўхталамиз.

Инсон капиталли мустақил назария сифатида 1960 йилларда Чикаго университети профессорлари Т.Шульц ва Г.Беккер томонидан шакллантирилган. Г.Беккер инсон капиталли назариясини инвестициялар нуктаи назаридан ривожлантирди. Унинг назариясига кўра, инсон капиталли — ҳар бир кишининг билим, қўникма ва мотивацияси захираси. Таълим, касбий тажриба тўплаш, соғлиқни сақлаш, географик ҳаракатчанлик, даромад ва нархлар тўғрисида маълумот излаш эса унга қилинган инвестициялар бўлиши мумкин.

Олимлар ўз назариясида инсон капиталининг асосий кўрсаткичи сифатида инсоннинг билим ва интеллектини кўрсатган. Хусусан, Т.Шульц инсонни унинг қобилияти, таълим орқали олган билими нуктаи назаридан кўриб чиқади ва ҳар бир маълумотли инсон муайян даромад олиш билан боғлиқ фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган манбага эга бўлади, дейди. У бундай деб ёзган: “**Агар таълим иқтисодиёт учун муҳим бўлган ишлаб чиқаришга таъсир этса, бу капитал шакли ҳисобланади**”.

П.Друкер эса “**Ривожланган мамлакатларнинг рақобатдаги бирдан-бир устунлиги малакали ишчи кучи ресурслари**

МУЛОҲАЗА

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ,
БУ — БИЗНИНГ
КЕЛАЖАГИМИЗ,
ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ



**Абубакр НАВРЎЗОВ,
Мудофаа вазирлиги
фахрийлари ишлари бўйича
Марказий кенгаш раиси,
истеъфодаги полковник**

Давлатимиз раҳбари “Таълим-тарбия — бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамот масаласи, шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Қанчалик мурракб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Чунки биз кўп вақт йўқотганмиз”, дея таъкидлади.

Йиғилишда мактабда замонавий билимларни эгаллаган рақобатбардош ёшларни тарбиялаш вазифасини амалга ошириш мақсадида туман, вилоят ва республика даражасида Мактаб таълимини ислоҳ қилиш кенгашлари тузилиши ва “ҳокимларнинг мактабга эътибор қилиш беш йиллиги” бошлангани эълон қилинди.

Эътибор берадиган бўлсак, давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишда ёшлар таълим-тарбияси тўғрисида қайта-қайта тўхталиб ўтмоқда. Утган 5 йил давомида ёшлар билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилди ва улар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилди, ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Бу борада Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “**Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарорига асосан, ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини беvosита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Бугунги кунда, “Ортида алоҳида цивилизация лойиҳаси бўлмаган мамлакатлар ёрқин келажакка эга бўлмайди”, деган фикр мутахассислар орасида бот-бот такрорланаётгани бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги замонда геосиёсий қўллар ўртасидаги рақобат ўз чўққисига чиқди ва ёшлар геосиёсий таъсир объектига айланиб бўлди. Шунинг учун ёшлар онгини ўзгартиришга уринилмоқда, деб кўп айтилмоқда.

Бу нима дегани? Бугунги кунда интернет тармоқларидаги ахборот оқимлари орқали ёшлар онгини замонавийлаштириш баҳонасида уларни миллий иқтимоий-маданий ва маънавий қадриятлардан “озод этиш” мақсадида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Яъни оила, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, Ватан, ватанпарварлик, меҳр, эзгулик каби қадриятларимизнинг асоси бўлган тушунчалар секин-аста, билинтирмасдан йўқотилиб, ўрнига глобализмнинг “ҳаётда фақат сен ва дунё ёш” тушунчаси ва бу билан

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 28 январь кунли бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мактаб таълими тизимидagi камчилиги ва муаммоларга тўхталиб, таълим сифатини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш бўйича ислохотлар бошланганини ҳамда уларга шахсан ўзи раҳбарлик қилишини маълум қилди.

боғлиқ қадриятларни сингдиришга кучли ҳаракатлар бўлмоқда.

Аънавий оммавий ахборот воситалари ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Жамоатчилик, шу жумладан, ёшлар фикрини телевидение, радио ва газеталар ўрнини эгаллаётган интернет шакллантирмоқда. Энг ёмони, бундай хуружларнинг оқибати одамни ўзи туйғилиб ўсган юрти ва халқидан тониш, ҳамма нарсага лоқайд бўлган манкурт шахсга айланишида намоён бўлади.

Шу сабабли баъзи ёшларимиз ўрта-сида, “Бу менинг ҳаётим, ота-онамнинг бунга аралашшига ҳаққи йўқ”, деган қадриятларимизга ёт тушунчалар ўрин олмақда.

Бундай вазиятда нима қилиш керак?

Мудофаа вазирлиги фахрийси, кўп йиллар тарбия соҳасида хизмат қилган

иқтимоийлаштириш, яъни мактаб соцуумида ёшларни тизимли ноформал уюшмалар таркибиде уюштирган ҳолда, “жамоа таркибиде ва жамоа орқали тарбия” усулига ўтиш маъқул. Чунки четдан шиддат билан кириб келаётган ёт гоғлар ёшларни эгоист ва манкурт этиб тарбиялашга йўналтирилганини билганимиз ҳолда, биринчи ўринда, болаларни иқтимоийлаштириш зарур.

Иқтимоий жамиятда ҳар бир шахс ўзининг мажбуриятларига эга бўлиб, уларни бажариш орқали ушбу халққа қандайдир фойда келтириши кўзга тутилади. Бунинг учун шахс жамият талабларига тўғри келадиган маънавий қадриятлар ва ҳислатларга эга бўлиши керак.

Ушбу тарбия тизими орқали ўқувчилар ўз жамоалари мақсади ва вазифалари йўлида қадриятларимиз ва жамоа аъзоси сифатида қабул қилган мажбу-



“Мудофаа вазирлиги фахрийлари томонидан 2021 йилда тажриба сифатида юқорида кўрсатилган тарбия тизими бўйича Тошкент шаҳридаги бир нечта мактабда иш олиб борилди. Эътиборли жиҳати, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан ушбу тизим болалар тарбияси ва ўқишига жуда яхши ижобий таъсир кўрсатгани эътироф этилди.

офицер сифатида ўз шахсий фикрларини билдиришмоқчиман.

Аввало, тезкорлик билан ташаббусни қўлга олиб, ёшлар онги эволюцияси жараёнини ўз фойдамизга ўзгартириш лозим. Бунинг учун ёшлар тарбияси жараёнини янги шаклда бошлаш керак. Ва бу ишда фақат ҳимояда эмас, ҳужумкор равишда ишларни ташкил этиш талаб этилади.

“Таълим тарбиясиз, тарбия таълимсиз бўлмайди”, деган қондага рия эгган ҳолда, биринчи ўринда мактабларда ўқувчи-ёшларни тарбия қилиш уларнинг ёшларига мутаносиб равишда, яъни бошлангич синфлар, ўрта синфлар ва катта синфлар тизимини яратиш мақсада мувофиқ.

Бунинг учун бугунги кунда “**Сен ватанпарвар, қадриятларимизга содиқ бўлишинг керак**” каби гоғлар остида олиб борилаётган оммавий тадбирларга таянган усуллардан болаларимизни

рияларига қатъий рия этиб, ўқиши ва яшаш орқали ёшларни иқтимоийлаштириш таъминланади. Бугун олиб борилаётган оммавий тарбиявий ишларимиз эса бу тарбия тизимини тўлдириб, бойитиб боради.

Ўқувчилар биринчи синфдан бошлаб охири синфгача ўзларининг ноформал жамиятларида унинг вазифалари ва талаблари ҳамда ўз мажбуриятлари асосида ўқиши ва яшашни ўрганишлари келажақда уларнинг юртимизнинг фаол аъзоси ҳамда жамият мақсадлари йўлида фидойи инсон бўлишига хизмат қилади.

Мудофаа вазирлиги фахрийлари томонидан 2021 йилда тажриба сифатида юқорида кўрсатилган тарбия тизими бўйича Тошкент шаҳридаги бир нечта мактабда иш олиб борилди. Эътиборли жиҳати, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан ушбу тизим болалар тарбияси ва ўқишига жуда яхши ижобий таъсир кўрсатгани эътироф этилди.

Президентимиз фармони билан Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактаби директори Нигора Саидхўжаевага “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони берилгани ҳам ушбу мактабда ўтказилган мазкур тажриба самарадорлигининг ёрқин ифодасидир.

Шуни аниқ айта оламаник, давлатимиз раҳбари раислигида шу йил январь ойида маънавий-маърифий ва мактаб таълими ишлари тизимларини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларни бажаришда Мудофаа вазирлиги фахрийлари билимли, рақобатбардош, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш борасида янада фаол иш олиб боради.

